



**СУПЕРЛИГА ВА ПРО ЛИГА ФУТБОЛ
КЛУБЛАРИ ҚОШИДАГИ U-14 ВА U-16
ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН
ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**

I. Мақсад ва вазифалари

1. Суперлига ва Про лига футбол клублари қошида ташкил этилган U-14 ва U-16 жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати Осиё футбол конфедерациясининг Лицензиялаш талаблари асосида ўtkазилади ҳамда қўйидагиларни назарда тутади:

- болалар-ўсмирлар футболини ривожлантириш ва оммалаштириш;
- профессионал футбол клублари базаси ҳамда пойдеворини ривожлантириш;
- ёш футболчиларнинг спорт маҳоратларини такомиллаштириш;
- истиқболли футболчиларни аниқлаш ва уларни ўсмирлар ҳамда ёшлар терма жамоаларига тавсия этиш учун кўмаклашиш;
- Ўзбекистон терма жамоалари учун номзодларни саралаш;
- клублар академиялари ва мактаблари мураббийлари томонидан ўtkазилган ўқув-машғулотлар бўйича якуний хуносалар чиқариш;
- спорт-оммавий тадбирлар бўйича календарь режасини бажариш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартағи “Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сон қарори ва 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сон Фармонини амалга ошириш;
- ғолибларни аниқлаш.

II. Мусобақларни бошқариш

2.1. Мусобалар ўtkазилишига умумий раҳбарлик Чемпионатни ўtkазиш бўйича ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади. Ташкилий қўмита таркибига **1-иловага** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси вакиллари киради.

2.2. Мусобақаларни бевосита ЎзПФЛ томонидан ўtkазилади. Мусобақаларда ЎФА Ҳакамлар бўлими томонидан тайинланган ва тавсия қилинган ҳакамлар коллегияси фаолият олиб боради.

2.3. Мазкур Низом “2021 йилги мавсумда Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан ўtkазиладиган мусобақалар регламенти”га (кейинги ўринларда — Регламент) мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда у Ўзбекистон U-14 ва U-16 чемпионатларини ўtkазиш тартибини белгилайди.

III. Иштирокчилар

3.1. Чемпионатда ЎзПФЛ Мусобақаларни ўtkазиш бўлимига Регламентда талаб қилинган аризаларни тақдим этган Суперлига ҳамда Про

лига футбол клублари қошидаги болалар-ұсмирлар футбол академиялари ва футбол мактаблари тарбияланувчиларидан иборат жамоалар иштирок этади.

3.2. Мусобақаларда истисно тариқасида футбол мактаби ҮзПФЛ томонидан профессионал футбол клублари қошидаги футбол мактабларига (академиялари) қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа мактаблар ҳам иштирок этиши мумкин мумкин.

3.3. U-14 чемпионатида 2007 ҳамда 2008 йилда туғилган футболчилар, U-16 чемпионатида эса 2005 ва 2006 йилда туғилган футболчиларгина иштирок этади.

3.4. Ҳар бир жамоа 26 нафаргача: 22 футболчи, 2 мураббий, 1 шифокор ва 1 видео операторни рўйхатдан ўтказиши мумкин. Суперлига ва Про лига футбол клублари ўз футбол академиялари/мактаблари тарбияланувчилардан шакллантирилган ұсмирлар жамоасини ёки ўз футбол академияси/мактабига эга бўлмаса, шу клуб билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномаси мавжуд бўлган ҳудудий футбол академияси/мактаби тарбияланувчиларидан ташкил топган жамоани рўйхатдан ўтказиши мумкин. Бунда жамоалар мураббийида ОФК талабига мувофиқ мураббийлик ҳуқуқини берувчи лицензия бўлиши ҳамда у клуб штатида қайд этилиши мажбурий ҳисобланади.

IV. Мусобақалар ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш тартиби

4.1. ҮзПФЛга қўйидаги ариза ҳужжатлари тақдим этилади:

- ариза берувчининг номи ёзилган мусобақада қатнашиш бўйича тақдим этилган ариза. Бунда футболчининг аризасига футболчининг тўлиқ исм-шарифи ва фотосурати, туғилган йили ва санаси, яшаш жойи, майдондаги амплуаси, фуқаролик паспорти (ID картаси)нинг рақами, футболчи паспортининг рақами илова қилинади. Раҳбарият таркибидан эса тўлиқ исм-шариф ва фотосурат, туғилган йили, яшаш жойи каби маълумотларни киритиш талаб қилинади. Футбол клуби, академияси/мактаби раҳбарияти имзо ва муҳри билан тасдиқланган жамоанинг барча вакиллари лавозимлари билан кўрсатилган таркиби ва шифокорнинг ҳар бир футболчи фамилияси қаршисига ҳамда умумий варақага муҳри қўйилган ариза варақаси сўралади;
- футбол клуби билан мураббий ўртасида тузилган меҳнат шартномаси икки нусхада;
- ҳар бир футболчи учун тиббиёт муассасаси томонидан тасдиқланган ҳамда футболчининг фотосурати акс этган маҳсус тиббий рухсатнома;
- мусобақа иштирокчисининг (шу жумладан вакилларнинг) фуқаролик паспорти (ID картаси)нинг асл нусхаси;

- мусобақа иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғини Мусобақа ўтказилаётган даврда бахтсиз ҳодисалардан суғурталовчи суғурталаш полисларининг асл нусхалари;
- ҳудудий футбол ассоциациясида рўйхатдан ўтказилган ҳар бир футболчи паспортининг нусхаси;
- клуб академияси/мактаби ва футболчи ўртасида тузилган, клуб/академия/мактаб ва футболчининг отаси ёки онаси томонидан имзоланган икки томонлама келишувнинг 2 нусхаси, келишувни имзолаган ота ёки она паспорти (ID картаси)нинг нусхаси;
- Про лига жамоалари учун агар уларда ўзининг футбол академияси/мактаби бўлмаса, ҳудудий футбол академияси/мактаби билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг нусхаси;
- лицензия олиш учун: мусобақада иштирок этадиган ҳар бир футболчи учун 3x4 см ўлчамли 1 фотосурат;
- ариза ҳужжатлари 2021 йилнинг 15 сентябр кунига қадар Ташкилий қўмитага тақдим этилиш керак.

4.2. Жамоалардан ариза қабул қилиш чемпионат бошланишидан 1 кун олдин тўхтатилади. Чемпионат ўтказилаётганда жамоа таркибига бошқа футболчиларни киритиш учун тақдим этилган ариза қабул қилинмайди.

4.3. Футбол академияси/мактаби, Футбол маҳорати мактаби ва Болалар-ўсмиirlар футбол мактаби тарбияланувчиси ўз ёши учун ўтказилаётган мусобақада иштирок этиш учун 2021 йилнинг 15 сентябригача бошқа клубнинг Футбол академияси/мактаби, Футбол маҳорати мактаби ва Болалар-ўсмиirlар футбол мактабида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

V. Мусобақаларни ўтказиш муддатлари, жойи ва тартиби

5.1. Суперлига ва Про лига футбол клублари қошидаги U-14 жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати 2021 йилнинг 4-14 октябрь кунлари оралиғида Тошкент шаҳрида марказлаштирилган ҳолда ташкил этилади. U-16 чемпионати эса 2021 йилнинг 11-21 ноябрь кунлари оралиғида Тошкент шаҳрида марказлаштирилган ҳолда ташкил этилади. Учрашувлар бошланиш вақти ЎзПФЛ томонидан белгиланади. Мусобақалар ФИФАнинг футбол ўйини қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

5.2. Жамоалар тўп сурадиган стадионлар қуръа ташлаш маросимидаёқ аниқлаб олинади ва қайси жамоанинг қайси стадионда ўйнаши масаласи қуръадан кейин автоматик равишда аниқ бўлади.

VI. Мусобақа формати ва шартлари

6.1. Чемпионат аралаш тизимда ўтказилади. Дастрлаб жамоалар гуруҳ босқичида ўзаро бир мартадан кураш олиб боради ва үнинг якунига кўра плей-офф иштирокчилари аниқлаб олинади. Гуруҳларни муваффақиятсиз якунлаган жамоалар мусобақа билан хайрлашади.

Мусобақа Қуръа ташлаш йўли билан жамоалар 4 тадан 5 та гуруҳга ажратиб олинади. Бунда жамоалар саватларга бўлинмайди.

Гуруҳ босқичи якунига кўра, ҳар бир гуруҳ пешқадами, шунингдек, гуруҳларда мос равишда энг яхши кўрсаткич қайд этган 3 та жамоа $\frac{1}{4}$ финал босқичига йўлланма олади.

Плей-офф учрашувлари битта ўйиндан иборат бўлади. Асосий вақтда ғолиб жамоани аниқлашнинг имкони бўлмаса, навбат пенальтилар сериясига берилади.

Плей-офф босқичларига алоҳида қуръа ташланади. Бунда гуруҳларда энг яхши натижа қайд этган 4 та жамоа $\frac{1}{4}$ финалда ўзаро тўқнаш келмаслиги таъминланади. $\frac{1}{2}$ финал қуръаси олдидан барча жамоа имконияти тенглаштирилади.

6.2. Жамоалар футболкасида рақамлари кўрсатилган уй ва сафар либослари тўпламига эга бўлиши керак. Майдондаги жамоалар либосларининг ранги бир хил бўлган тақдирда тақвим бўйича номинал меҳмон жамоа либосини алмаштиради.

6.3. ЎзПФЛ учрашувни ўтказиш учун футбол ўйини қоидалари талабларига жавоб берадиган тўплар тақдим этади. Жамоалар айнан шу тўпларда учрашув ўтказиши мажбурий ҳисобланади.

6.4. Учрашув қайдномасини тўлдириш Регламентнинг 17.8 ҳамда 17.9-бандлари асосида тартибга солинади. Футболчиларни алмаштиришлар сони 17.5-банд асосида тартибга солинади.

6.5. U-14 чемпионати жамоалари ҳар бири 35 дақиқадан икки тайм ўтказади. Бунда танаффус 10 дақиқа давом этади. U-16 чемпионати жамоалари ҳар бири 45 дақиқадан икки тайм ўтказади ва бунда танаффус 15 дақиқани ташкил қиласади.

6.6. Мусобақа ғолибларини аниқлаш Регламентнинг 23.1 ҳамжа 23.2-бандлари асосида тартибга солинади.

6.7. Чемпионат ташкилий қўмитаси ташкилий ва ариза бериш кампанияси ўтказилгандан кейинги барча омилларни ҳисобга олиб, Мусобақаларни ўтказиш форматини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

VII. Жамоа раҳбарлари ва футболчиларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

7.1. Мусобақалар иштирокчилари Регламентнинг барча талабларига тўлиқ риоя қилишлари шарт.

7.2. Барча футболчилар оёқни ҳимоя қилувчи қалқончаларни тақиб майдонга чиқиши шарт шарт.

7.3. Мусобақа давомида сариқ карточкалари сони 2 тага етган футболчи кейинги учрашувни ўтказиб юборади. Учрашув вақтида тўғридан-тўғри қизил карточка олган футболчи навбатдаги учрашувда қатнашмайди. Бунда Тартибинтизом қўмитаси ушбу футболчи содир этган ҳаракат ҳарактерига қараб, жазони кучайтириши мумкин.

Бир учрашувда олинган 2 та сариқ карточка майдондан четлатиш ҳисобланиб, бунда ўйинчи битта учрашувни ўтказиб юборади. Аввалроқ олинган огоҳлантиришлар бекор қилинмайди.

7.4. Мазкур Низомга мувофиқ қайдномага киритилмаган ёки дисквалификацияси бор футболчи учрашувда қатнашгани учун, шунингдек, бирор жамоанинг асосли сабабларсиз учрашувда иштирок этмагани учун жамоага 0:3 ҳисобида техник мағлубият, рақиб жамоага 3:0 ҳисобида техник ғалаба ёзилади. Бунда техник ғалаба олган томон учрашувда 3:0 ҳисобидан йирикроқ ғалабага эришган бўлса, техник ғалаба шу ҳисоб кўринишида бўлади.

VIII. Молиявий ҳаражатлар

8. Ҳаражатлар қўйидаги кўринишда тартибга солинади:

- жамоаларнинг хизмат сафари (йўлкира, овқатланиши, яшаш жойи) ва Мусобақалар ўтказиладиган давр мобайнида ўз футболчиларини суғурта қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар клуб томонидан қопланади;
- Мусобақларни ўтказиш билан боғлиқ қолган барча ҳаражатлар ЎзПФЛ томонидан қопланади.

IX. Якуний қоидалар

9. Ушбу Низомда кўзда тутилмаган масалалар Ташкилий қўмита томонидан кўриб чиқилади ёки Регламентда қайд этилгани ҳолатида үнинг асосида тартибга солинади.

Ташкилий қўмита